

**“Юнусобод деҳкон бозори” акциядорлик
жамияти Кузатув кенгаши йиғилиши баёни**

2019 йил 8 июл

Тошкент ш.

Қатнашганлар

Кузатув кенгаши аъзолари:

М.Ирматов, Ф.Одилов, Л.Акбарходжаев, Ф.Тулаганов, А.Исроилов, Т.Камолов,
Н.Халилова

Йиғилишга Кузатув кенгаши аъзоси М.Ирматов раислик қилди, Баённи Ш.Ирисов олиб борди.

Кун тартиби:

1. *Жамият Кузатув кенгаши раисини сайлаш ҳақида.*
2. *Жамият директори Б.Хакимовни 2019 йил 5 июлдаги аризасини кўриб чиқиш.*
3. *Жамиятга директор тайинлаш ҳақида.*

Кун тартибидаги масала билан мажлис раиси М.Ирматов мажлис қатнашчиларини таништирди ва кун тартиби бир овоздан тасдиқланди.

Кун тартибидаги биринчи масала юзасидан А.Исроилов сўзга чиқиб, Кузатув кенгаши раиси Л.Акбарходжаев иш ҳажмининг кўплигини инобатга олиб, “Юнусобод деҳкон бозори” АЖ Кузатув кенгаши ишида қатнаша олмаслиги тўғрисида ариза берганлиги муносабати билан жамият Кузатув кенгаши раисини сайлаб олиш лозимлигини айтди ва М.Ирматовни жамият Кузатув кенгаши раиси этиб сайланишини таклиф этди.

Кенгаш аъзолари ушбу таклифни бир овоздан маъқуллашди.

Мажлис раиси М.Ирматов кун тартибидаги иккинчи масала бўйича тушунтириш бериб, жамият директори в.в.б Б.Хакимов ариза билан мурожаат этиб, 2019 йил 5 июлдан лавозимидан озод этишни сўраганлигини маълум қилди.

Кенгаш аъзолари жамият директори в.в.б.нинг аризасини қаноатлантирилишини маъқуллашди.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича мажлис раиси М.Ирматов тушунтириш бериб, “Юнусобод деҳкон бозори” АЖ Тошкент шаҳрида йирик деҳкон бозоридан бири эканлиги, шу сабабли, жамиятга соҳа бўйича тажрибага эга бўлган А.Убайдуллаевни директор вазифасини бажарувчи этиб тайинланишини таклиф этди.

Кенгаш аъзолари ушбу таклифни ўрганиб чиқишиб, А.Убайдуллаевни меҳнат шартномаси билан танишиб чиқишиб, эътироз йўқлигини билдиришди.

Кун тартибида муҳокама этилган масала юзасидан

Қарор қабул қилинди









1. Жамият Кузатув кенгаши раиси Л.Акбарходжаевнинг иш ҳажми кўплиги сабабли, «Юнусобод деҳкон бозори» АЖнинг Кузатув кенгаши ишида қатнаша олмаслиги тўғрисидаги аризаси инобатга олинсин;

2. Жамият Кузатув кенгаши раиси этиб, 2019 йил 8 июлдан “Муниципал активларни бошқариш маркази” ДУКнинг Бош директори, Кузатув кенгаши аъзоси М.Ирматов сайлансин;

3. Жамият директори вазифасини вақтинча бажарувчи Б.Хакимов аризасига кўра 2019 йил 8 июлдан лавозимидан озод этилсин;

4. Жамият директори вазифасини вақтинча бажарувчи этиб, 2019 йил 8 июлдан А.Убайдуллаев тайинлансин.

5. А.Убайдуллаевга жамият фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 июлдаги 253-сонли қарори ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ юритиш вазифаси юклатилсин.

Мажлис раиси		М.Ирматов
Баёни олиб борди		Ш.Ирисов
Кузатув кенгаши аъзолари:		Л.Акбарходжаев
		А.Исроилов
		Ф.Одилов
		Ф.Тулаганов
		Ф.Камолов
		Н.Халилова